



Мамлакатимизда «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалига катта тайёргарлик кўриломоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинадиган мазкур нуфузли фестиваль дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турфа миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, уларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этишга улкан ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари аввалги фестивалларда голибликни қўлга киритган айрим санъаткорлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг «Шарқ тароналари» ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Раймондас НИКОЛАЙТИС, «Aysva» гуруҳи аъзолари ижроқиси, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳиби (Литва):

– 2011 йили «Шарқ тароналари» VIII Халқаро фестивалининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иштирок этгани бизни гоёт тўқинлантирган эди. Бу давлатнинг раҳбарининг санъатга бўлган чексиз муҳаббати ва эҳтиромидан далолатдир. Биз жаҳоннинг қўлаб мамлакатларида ўтказилган турли маданий анжуманларда иштирок этганимиз, аммо ҳеч қаерда санъат аҳлига бу қадар улкан ғамхўрлик кўрсатилишига гувоҳ бўлмаган эдик.

Гуруҳимиз голибликни қўлга киритганида қалбимизда жўш урган қувонч ва катта ҳаяжонни тасвирлашим қийин. Фестиваль давомида гўзал Ўзбекистондан унутилмас таассуротлар олдик. Ўзбекистон халқи бой тарихи, меҳмондўстлиги, асрлар давомида сайқал топган қадрият ва анъаналари, дунёни ҳамон ҳайратга солиб келадиган меъморчилик санъати билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ўзбек фольклори қўшиқ қуйлашдаги ўзига хос услублари, анъаналари, мусиқа асбоблари билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш, келажақ авлодларга асл ҳолича етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Гуруҳимиз билан Ўзбекистонда ўтган кунларни тез-тез ёдга оламиз, соғинамиз. Самарқанднинг мўъжизавий Регистон майдонида қўшиқ қуйлаш ҳар қандай санъаткорнинг орзусидир. Менга ана шундай улкан бахт ва шараф насиб этганидан гоёт мамнунман.

Носир Аҳмад Хон ВАРСИ, «Warsi brothers» гуруҳи аъзоси, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро

мусиқа фестивалининг «Ёрқин ижро» номинацияси совриндори (Ҳиндистон):

– «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестиваль совриндори бўлганимдан жуда хурсандман. Ушанда биз ҳинд мусиқа санъатининг энг ёрқин намуналарини тақдим этгандик. Ижроларимиз кўпчиликка манзур бўлганидан гоёт қувонганмиз.

Юксак савияда ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали кунлари қўлаб янги

шунади, қалбларига йўл топади. «Шарқ тароналари» фестивали ана шундай юксак инсоний ғазилатларни улуғлаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб келмоқда.

Ўзбек халқининг юксак миллий қадрият ва анъаналари ўз инъикосини топган асрий оҳанглари барчани бирдек ҳайратга солади. Регистон том маънода жаҳон маданиятининг кўзгусидир. Ушбу мўътабар майдонда қуйлаш ҳар қандай санъаткорга катта илҳом бағишлайди. Шу маънода, фестивалнинг айнан ушбу маҳобатли ва қадимий мажмуада ўтказилиши ҳар бир иштирокчига илоҳий қудрат, жўшқинлик ва бекиёс куч ато этади. Бу унутилмас онларнинг бевосита гувоҳи бўлганимдан жуда бахтиёрман.

Фестиваль кунлари Самарқанднинг дунёга машҳур тарихий обидалари, замонавий иншоотларини томоша қилиб ҳайратга тушдик. Мамлакатимизда аждоқлар меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш борасида олиб бориладиган изчил ишлар ҳавасимизни келтирди.

Назакет ТЕЙМУРОВА, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг «Гўзал овоз соҳибаси» номинацияси совриндори (Озарбойжон):

– Озарбойжон мусиқа усталари «Шарқ тароналари» фестивалида

мунтазам иштирок этиб келади. Биз қатнашган халқаро мусиқа анжумани кутганимиздан ҳам юқори савияда ўтди. Самарқанд шаҳрининг бугунги чиройи, замонавий бинолари, Регистон майдонининг маҳобати ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ушбу муаззам майдонда қўшиқ қуйлаш барча хонандага фахр бағишлайди. Мен ҳам ана шу гўзал шаҳарда ўз санъатининг намойиш этганимдан мамнунман.

«Шарқ тароналари» фестивали менда бир умр ўчмас таассурот қолдирди. Унинг ҳаяжонли дақиқалари мени ҳамон тарқ этгани йўқ. Уша маҳобатли сахнага чиққан пайтимни эсласам, вуҷудимда гўзал хис-туйғулар уйғонади. Орзуим – ушбу нуфузли фестивалда яна бир бор иштирок этиш. Самарқандда ўтган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ана шундай ажойиб халқаро санъат анжуманининг ташаббускори – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовдан миннатдорим.

Қардош ўзбек халқини яқинлашиб келадиган улуғ айём – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан чин дилдан қўтайман. Ўзбек халқи, унинг санъатида янада юксак тараққиёт тилайман.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

РЕГИСТОН – ЖАҲОН МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

дўстлар орттирдик. Фестиваль бизга, аввало, ўзбек халқининг бой ва бетакрор маданияти, Шарқ мумтоз мусиқаси дурдоналари билан яқиндан танишиш имконини берди.

«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали ўзининг юксак жозибаси, бетакрорлиги, қамровининг кенглиги ва дунё мусиқа санъати ривожига қўшаётган бекиёс ҳиссаси билан жуда юқори мавқега эга. Бу нуфузли анжуман аллақачон дунё мусиқа аҳлининг ноёб мулкига, унда иштирок этиш санъаткорлар учун эзгу мақсадга айланган. «Шарқ тароналари» бугун наинки мусиқачиларни бирлаштирмоқда, айни пайтда инсонийлик, эзгулик, дўстлик ва тинчлик каби эзгу ғояларни дунё узра кенг тараннум этмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари санъаткорлари Самарқандда жам бўлиб, ўз халқи, миллатининг мусиқа, қўшиқ ва рақс санъатини намоён этаётгани ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Лаура МОЛЛИКА, «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивалининг учинчи ўрин соҳибаси (Италия):

– Санъат азал-азалдан одамларни эзгуликка чорлаб, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Одамлар оҳанг, мусиқа ёрдамида бир-бирларининг дил изҳорини ту-

Фармон ва ижро

ХУНАРМАНДИЧИЛИК ВА АМАЛИЙ САНЪАТ РИВОЖИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадий хунармандиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланадиган юксак бадий буюмларни тайёрлаш асрий анъаналарини ва уларнинг ўзига хос турларини қайта тиклаш ҳамда халқ хунармандларига давлат томонидан мадад кўрсатиш мақсадида юртимизда ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга катта имкониятлар яратилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони катта аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Мазкур Фармонда хонадон шароитида юксак бадий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ хунармандларига уларни маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, кўрғазмалар ва қимоси савдоларини ўтказишда, тайёр махсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар тармоғини ташкил қилишда, ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вуҷудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини, республика вазириятлари ва идораларининг энг муҳим вазираси деб белгиланган бўлибди.

Шунингдек, ушбу Фармонда хонадон шароитида халқ бадий хунармандилик ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўш махсулотининг нархларини истеъмол бозоридан талаб ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилашлари ҳамда «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ҳолда қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилганликлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу имтиёз 2014 йилнинг 1 январига бўлган даврга узайтирилган.

Таъкидлаш жоизки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунга қўра оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга оширилаётган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, ўз иштирокчиларининг

ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлиқнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш, қарз маблағларини жалб этиш шу жумладан, дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва сугурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товарларни харид қилиш, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлашни аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда халқ бадий хунармандилик ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёшларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлашга катта эътибор қаратиломоқда.

Аҳмад УСМОНОВ, Шайхонтохур туман ДСИ бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – обод турмуш гарови» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.



ФУҚАРОЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, ИИВ тизимидаги ва республикадаги бошқа олий таълим муассасалари ўқитувчилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда фуқаролар ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари ва ички ишлар органларининг ижтимоий шерикчилигини янада ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида турли соҳалар қатори ички ишлар органлари тизимида ҳам муайян ислохотлар амалга оширилди. Бу эса фуқаролар тинчлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилаётди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократик ислохотларни қўллашнинг шароитида қонунийликни, ижтимоий адолат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган самарали механизм яратилди.

– Бугунги илмий-амалий конференция «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма

икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди, – дейди Ички ишлар вазирлиги академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, подполковник Абдор Отажонов. – Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида ички ишлар идоралари учун қадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. 10 мингга яқин офицерлар, шунча сержантлар, 600 нафарга яқин раҳбар кадрлар тайёрланди. Бугунги кунда улар халқимиз осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Тадбирда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли, ёшларни диний экстремистик оқим ва ташкилотлар таъсирига тушиб қолмишдан ҳимоялаш фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг муҳим омил эканлиги, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти каби шу куннинг бир қатор долзарб мавзулари атрофида муҳокама қилинди.

Конференция давомида фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ижтимоий шерикчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдували СОДИҚОВ
Ислам Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 22 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўров истиқлол йилларида ақсарият аҳолининг (92 фоиздан зиёд) моддий аҳоли, яшаш ва маиший шароити яхшиланиши, фаровонлиги кескин ошганини кўрсатди. Сўровда қатнашганларнинг қарийб 90 фоизи ўзи ва оиласининг ижтимоий мақоми ошганини билдирган, 80 фоиздан ортиғи ўз бизнесини ташкил қилган, фермер бўлган, 70 фоизга яқини зарур билимларга эга бўлган ёки билим даражасини оширган. Иштирокчиларнинг фикрича, айнан мустақиллик уларга бундай ютуқларга эришиш имконини берган. Сўров иштирокчиларининг 86 фоиздан зиёди мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижа-сида таълим нуфузи жиддий равишда ошганини қайд этди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб иқтисодий ўзгаришлар қаторида одамлар онгу тафаккурида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берган. Сўралганларнинг қарийб 94 фоизи истиқлол йилларида фуқароларнинг қонунлар, инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳурмат қилиш даражаси ошгани, маънавий-ахлоқий қадриятлар мустаҳкамланиб, Ватан тақдирини учун шахсий жавобгарлик ҳисси ўсганини таъкидлади.

Фуқароларимизнинг фикрига қўра, Ўзбекистон мустақиллик йилларида юзага келадиган барча қийинчиликларни ишон билан енгиб ўтиб, ижтимоий-сиёсий модернизация ва иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Бунинг дунёнинг ақсарият давлатлари тараққиётга салбий таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида миллий иқтисодиётимиз изчиллик билан мустаҳкамланиб бораётганини миқдорда ҳам қўриш мумкин. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар юксак самара бераётгани аҳолининг ҳокимият институтларига нисбатан бўлган ишончини таъминламоқда.

Мониторинг режимида ўтказилган ушбу ижтимоий тадқиқот Президентимиз Ислам Каримов юриятдаги ислохотлар сиёсати, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган ижтимоий тўғрисидаги ҳаётимиз давом эттириш ва чуқурлаштириш жараёнини халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Фуқароларимиз мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, давлат, жамият ва шахс манфаатлари мувозанати таъминланганини кўп жиҳатдан мустақиллигининг 22 йили давомида Ўзбекистонни изчил ривожлантириш, унинг халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонишига хизмат қилаётганига ишонди.

Ўзбекистон аҳолиси (99,1 фоиз) Президент Ислам Каримовни мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, Ватанимиз олдига турган барча муаммоларни муваффиқиятли ҳал этиш ва мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашнинг асосий қарорли деб ҳисоблайди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади

ТИНЧЛИКНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Истиқлол тўғрисида халқимиз, маҳалламиз ҳаёт тарзи янги маъно ва мазмун билан бойиди, – дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусан Нўмонов. – Маҳаллада янги йўналишлар асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва хунарманди-чиликни ривожлантиришга қўмаклашиш учун барча зарур ваколатлар берилганлиги ишнинг самардорлигини оши-ришга хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида маҳалламизда олтига яқин оилавий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.

Маҳаллада ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Мазкур маҳалла жорий йил «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» республика кўрик-танловининг Тошкент ша-ҳар босқичида «Маҳаллада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини самарали ташкил этишда жонбозлик кўрсатган фуқаролар йиғи-ни» деб топилди.

Маҳалланинг қўли гул чевари Мухаббат Асомова ўз хона-донда бежирим либослар билан бирга, қўра-ёстиқ, парда-лар тикиш цехини очган. У қизлари, келинларидан ташқари, қўшни аёлларни ҳам қасаначилик асосида ишга жалб этган.

– Биз, аёллар учун мана шундай кенг имкониятлар яра-таётган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз, – дейди ЎЗА мухбирига Мухаббат опа. – Яқинда маҳаллалар фаоли-ятига оид қабул қилинган янги қонунда биз каби оилавий тадбиркорларга кредит олиш учун имтиёзлар берилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Маҳалла фаоллари қўмағида банкдан кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтириш, кўпроқ иш ўрни яратиш, элу юртга наф келтириш ниятида-миз.

2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда тадбиркорлик субъектлари, хусусан, оилавий тадбиркорлар учун кредит-лар олишда фуқаролар йиғинлари белгиланган тартибда қабул бўлиши мумкинлиги белгиланган. Бу – маҳалла ин-ститутини халқ қалбида мустаҳкам ишонч уйғотаётганига муҳим далил.

Мазкур қонунда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга никоҳ тўйи каби тадбирларни ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш ҳам белгиланган. Бунинг амалий фодосини маҳалла фаолларининг ҳар бир тўйда бош-қош бўлиб, етишмовчиликларга ҳамжиҳатликда барҳам бераёт-ганида қўриш мумкин. Бу жараёнда айрим ортиқча расм-русум, исрофгарчиликларнинг ҳам олди олинмоқда.

– Менга маҳалладаги ҳар бир ишда батарибликнинг йўлга қўйилгани жуда маъқул, – дейди 72 ёшли Мария Калинина. – Айниқса, байрамларни бирдамликда, хурсандчиликда нишонлаганимизда кўнгилм тоғдек кўтарилди. Қўчага бир кун чимай қолсам, қўшнларим дарҳол йўқлаб келишди.

Маҳалланинг яримдан кўпини ташкил этувчи воёга ет-маганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни хунар эгаллашга жалб қилиш, спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш – доимий эътиборда. Бунинг учун ҳудуддаги 327-мактабда ўнлаб йўналишдаги тўрақлар, спорт секциялари ташкил этилган. Натижада билимли ўқув-чилар фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгалла-ётган бўлса, спортчи ёшлар мусобақаларда голибликни қўлга киритаётди. Жумладан, Дилфўз Ҳидоятова жорий йилда кимё фанидан ўтказилган олимпиаданинг шаҳар босқичида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Шухрат Жабборов, Достон Эрмухамедов Хоразм вилоятида кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпио-наларида совриндор бўлди. Мадина ва Мухлиса Иброҳимовалар ҳам шу йўналишда голиблар сафидан қўли олган.

Маҳалла фуқаролар йиғини бу борада доимий фаоллик кўрсатаётган мураббийлари ва ўқувчилари тақдирлашни ҳам унутмагани йўқ. Жорий йилда икки нафар ана шундай ўқувчи ва бир неча фаол ўқувчи маҳалла томонидан мод-дий рағбатлантирилди.

Ҳа, қаерда рағбат, ишонч бўлса, ўша ерда ўсиш, эртанги кунга умид билан яшаш кучайиб боради. Жорий йилда маҳаллада жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар қузатилма-гани ана шундай ишлар самарасидир.

Норгул АБДУРАХИМОВА



МА'НАВИЙ ТАЪЛИМОТ (2008 йил)

2008 йил «Ёшлар йили» бўлди. Ёшлар – эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи. Бизда 18 ёшгача бўлганлар умумий аҳоли сонининг қарийб 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади.

Январь ойиданоқ ёшларга эътибор йилнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши (07.01), Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу Дастурни қабул қилишга бағишланган қарори (08.07), Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни (07.01) қабул қилиниши шундан далолат беради.

29 февралда эса «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди ва йил давомида у изчил амалга оширилди.

1 январдан Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодекси кучга кирди.

8 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзuida маъруза қилди. У ўз маърузасида, жумладан, ҳал этилмаган мавжуд муаммоларга эътиборни қаратди ва «2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури»га алоҳида тўхталди.

1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия туғилган кун. Эсингизда бўлса, 2007 йил 13 сентябрда Тошкент шаҳрида Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шоира таваллудига 93 йил тўлган кун Тошкент шаҳрида Зулфия ҳайкали очилди.

Истиқлолнинг ўз солномаси бор. 4 март кун мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк ордени – «Соғлом авлод учун» таъсис этилганга 15 йил тўлди.

12 март кун Тошкентда Президент Ислам Каримов ташаббус билан «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генетики, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Президент Ислам Каримов конференция иштирокчиларига табрик йўллади. Халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фархастда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади, жумладан: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўлган Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз», – деди.

Ўзбекистон раҳбарининг нуфузли халқаро минбарлардан туриб жаҳон миқёсидаги бундай масалаларга дадил муносабат билдириши мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги юксак мавқеидан далолат беради.

9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Сентябрьнинг охириги ўн кунлигида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей тадбирлари «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун ҳолда ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига табрик йўллади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан бу олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабаларидан бир гуруҳи давлатимиз унвон, ордени ва медаллари билан мукофотланди.

Йил спортчиларимиз учун омадли келди. 12 – 19 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган ўчинчи Жаҳон аёққурашлар ўйинларида муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 8 нафар спортчи билан катнашиб, 7 та олтин ва 1 та кумуш медаль билан умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Мамлакатимизда ўқувчи ва талабалар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» муносибақаларининг ўтказилиши аънаъага айланган. 17 – 20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Ташкент шаҳарлари, Хўжайли ва Кетайли туманларидаги замонавий спорт мажмуаларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида «Баркамол авлод» аънаъанавий спорт ўйинлари ўтказилди.

8 август кун Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида XXIX ёшги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши маросими бўлди. ХХР Раиси тақдифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 – 9 август кунлари Пекинда бўлиб, бу маросимда иштирок этди. Олимпиада Ўзбекистонимиз учун ҳам ўзлигини намоён эттириш аҳойиб бир имконияти бўлиб хизмат қилди. 204 мамлакат вакиллари иштирокида 24 августгача давом этган бу олимпиадада спортчиларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 августдаги Фармони билан ана шу олимпиадада юксак натижаларни қўлга киритган спортчи ва мураббийларимиздан бир гуруҳи фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотланди.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Апрель ойида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Орол денгизи муаммолари ва Оролбўйи минтақасидаги экологик инкироз оқибатларини бартараф этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

28 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали ташкил этилди. Апрельда Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди.

1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Декабрда бу сана мамлакатимизда катта тантаналар билан нишонланди.

Ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин Ўзбекистон Республикаси биринчи қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат айнан шу – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Чунки бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ўзида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги энг асосий демократик қатъиятларни (принципларни) муҳасамлаштирганки, амалда у бу соҳадаги халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг



ўзак масаласи эмасми? Тарихга муносабат замирида эса тилга, динга, миллий қадрият, урф-одат ва аъналарга, аждодлар ҳаёти ва фаолиятига муносабат ётади.

Шўро даври эсимиздан чиққанича йўқ. Дин оқимиди-қорамиди? Амир Темур-чи? Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғинойий, Имом Мотуридидий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Абдулхалиқ Фихрувий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий номларини эшитганимизми? «Авесто»нинг айнан юртимизда яратилгани, унинг 2700, шунингдек, буюк «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда тантаналар билан нишонлаш учун қандай ҳақ-ҳуқуқимиз бор эди?

Булар тарихга янгича муносабатнинг бир қисми, холос. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мозийга юз тутишнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради. Шу тариқа бир хулоса қатъийлашади: юксак маънавиятга эга халқни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди!

Биз – шак-шубҳасиз, буюк халқимиз. Айниқса, мустақиллик йилларида бунин борлиқ олам тан олди.

Биринчидан, шу йиллар мобайнида изчил равишда ҳеч қимдан кам бўлмаганимизни дунёга исботладик.

Иккинчидан, бу бизга: «Ҳеч қимдан кам эмасмиз», – деган ғояга қатъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, бу икки асос: «Ҳеч қимдан кам бўлмаймиз ҳам», – дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўллари излаб яшашга

ундади.

«Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида ана шу уч фикр манتيкий тарзда асослаб берилади.

Худди шу нарса халқ онг-тафаккури, қалб-шуурида кўтаринки бир рухият пайдо қилади. Шу рухият ҳар бир фуқарони олға етаклайди, унга завок-шафқ бағишлайди, унинг қалбига фахр-ифтихор туйғусини жўшурдириб, уни яшашга, яратилганга ўқитиб беради.

Ўзбекистон истиқлол йиллари жаҳоннинг нуфузли анжуманлари ўтказиладиган юртга айланди. Тошкентда 29 – 30 май кунлари «Сийёс ва иқтисодий модернизация шароитида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш» мавзuidaги, 9 – 10 июнда эса замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференциялар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди (23.06).

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси муаммолари ечимини излашда асосий ташаббускор мамлакат бўлиб қолди. Июнь ойида Токиода Япония Атроф-муҳити муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Сув форуми, Глобал инфратузилма институтининг тадқиқот жамғармаси ҳамда мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан «Орол муаммолари, унинг аҳоли генетики, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда уларнинг оқибатларини енгилаштириш чора-тадбирлари» мавзuida конференция бўлиб ўтди.

3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Нодавлат нотихорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

11 сентябрь кун Президент Ислам Каримов расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасига борди. Расмий ташрифнинг иккинчи кунини ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди: Бокуда ғазал мулкларини султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улўғ аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбек номи берилди.

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида «Буюк Ипак йўли туризми» XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ноябрь ойида Асака автомобиль заводи конвейеридан миллионинчи автомобиль чикди. 2008 йил «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учун юксак маррага – 2 миллион 69 минг 343 нафар йўловчини ўз манзилига етказиб қўйиш даражасига эришиш йили бўлди.

2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Декабр ойининг иккинчи ўн кунлигида Навоий конметаллургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Президент Ислам Каримов ана шу комбинат жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига табрик йўллади, шу муносабат билан ишлаб чиқариш илғорлари ва шаҳар фаолларидан бир гуруҳи фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотланди...

Олим МАХМУДОВ
(Келгуси сонда 2009 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ёш кучига ишонади,
кекса тажрибасига.

Ҳаракат бўлмаса, орзу
орзулигича қолаверади.

Бефарқлик — энг катта
иллат.

Бахтга етишдан ҳам
кўра уни сақлаб қолиш
қийин.

Иززатталаб ўз обрўсини
ўзи тўқади.

Баъзида бегона туғиш-
гандан афзал.

Яхшини ёмонотлик
қилиш мумкин, лекин
ёмон ҳеч қачон яхши
ном қозонолмайди.

Ўзига ишонмаганининг
умри омонат.

Шубҳа ҳаловатингни
ўғирлайди.

Бекорчи кунини ўтқа-
золмай овора.

Нафс кетидан қувган-
нинг борар ери маълум.

Яхшилик унутилар,
ёмонлик дилда қолади.

Бировни ғийбат қил-
ганингнинг ўзи ёмон-
ликдир.

Бировнинг кўриниб
турган камчилигини
айтиш айб эмас.

Эҳтиётсиз ҳар қадамда
муаммо туғдириб
юради.



Тошкент шаҳрида
20 август кун ҳаво бир
оз ўзгариб туради,
ёғингарчилик бўлмайди.
Шарқдан секундида 3-8 метр
тезликда шамол эсади.
Ҳарорат кечаси — 20-22,
кундузи — 35-37 даража

иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотида кўра,
20 августда Тош-
кент шаҳри об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарари моддалар-
нинг бир оз йиғилишига
имконият яратади. Ат-
мосферанинг ифлосланиш
даражаси 1-3 фоз кўпай-
иш тахмин қилинмоқда,
тағмиқдори паст бўлади.

